RESPUBLIKASI MILLIY K... PALATASI INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 27 сентябрь, чоршанба • №74 (11.259) • Эркин нархда сотилади

## ЎЗБЕК МОДЕЛИНИНГ ЯНА БИР ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

***Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, қўлга киритилаётган ютуқлар хорижий давлатлардаги нуфузли илм даргоҳларининг намояндалари томонидан кенг эътироф этиб келинмоқда. Бу ўзгаришларнинг бошида турган Президент Ислом Каримов кўплаб обрўли академияларнинг фахрий аъзоси, университетларнинг фахрий доктори унвонларини олган.***

25 сентябрь куни Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган тадбир мамлакатимиз танлаган тараққиёт йўли тўғрилигининг ва жаҳон афкор оммаси эътирофининг яна бир намойишига айланди. Шу йил 29 май куни Нидерландиянинг Фонтис университети илмий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентига "Фахрий доктор" унвони беришга қарор қилган эди. Маросимда мазкур университет президенти Норберт Фербраак Ислом Каримовга "Фахрий доктор" дипломини тантанали равишда топширди.

Фонтис университети 1949 йили ташкил этилган. У Голландиядаги олий касбий таълим берувчи муассасаларнинг энг йириги ҳисобланади. Фонтис сафига ўттиздан зиёд ўқув марказлари, институт, факультетлар бирлашган. Уларда уч мингга яқин мураббий 30 мингдан зиёд талабага амалий технологиялар, халқаро транспорт, иқтисод, молия, банк ва суғурта иши, соғлиқни сақлаш, санъат, психология каби талай йўналишлар бўйича таълим беради. Университетнинг нуфузи, илмий даражаси ва салоҳияти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун унинг йиллик бюджети 200 миллион евродан зиёд эканлигини айтишнинг ўзи кифоя.

Фонтис университети бир неча мамлакатда ўзининг бўлимларига эга. У илм-фанни ривожлантириш борасида Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби кўплаб халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. Айни пайтда у Ўзбекистонда ҳам бир неча лойиҳани амалга оширмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳа доирасида мазкур университетда «Интернет» билан уланадиган компьютер тармоғи барпо этилди, уни бошқариш учун мутахассислар хорижда тайёргарликдан ўтказилди.

Фонтис раҳбарияти Ўзбекистонга Президент Ислом Каримовга диплом топшириш билан бирга, бошқа хайрли ниятлар билан ҳам келган. Улар орасида Ўзбекистон-Голландия университетини ташкил этиш имкониятларини ўрганиш, мамлакатимиз таълим масканлари билан алоқаларни янада чуқурлаштириш мақсадларини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Илм-фан чегара билмайди. Бу ҳақиқат дунёда глобаллашув жараёни фаоллашиб бораётган ҳозирги пайтда янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Маросимда таъкидланганидек, турли ўлка одамлари турлича шароитда ҳаёт кечиради. Масалан, Голландия заминининг 50 фоизи денгиз сатҳидан қуйида жойлашган, шу боис мамлакат аҳлини сув ҳайдаб ер очиш йўлидаги ўзига хос кураш жипслаштирган. Ўзбекистонда бунинг тамоман аксини кўриш мумкин. Бизда сув танқислиги муаммоси мавжуд. Лекин ҳар икки шароитда ҳам олимлар, мутахассислар бир-бирининг тажрибасидан фойдаланиши яхши натижаларга олиб келиши мумкин. Чунки, бу икки хил кураш аслида икки қутбга ўхшагани билан, уларнинг тартиби, тузилиши, фойдаланилаётган технологиялар, мазмуни деярли бир хил. Бу бир мисол, холос. Моҳият шундаки, илм-фан марказлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш катта натижаларга олиб келишини инобатга олган ҳолда, бу соҳадаги алоқаларни кенг ривожлантиришга киришишдир.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ташаббускори Президент Ислом Каримов малакали кадрларсиз порлоқ келажакни тасаввур қилиш мумкин эмаслигини кўп бор таъкидлаган. Айни пайтда, мазкур дастурга мувофиқ, юртимизда таълим соҳаси кенг ислоҳ қилинмоқда, кўплаб янги коллеж ва лицейлар очилмоқда, талаба ва ўқувчиларимиз чет эллардаги нуфузли илм масканларида таҳсил олмоқда. Ўзбекистон олий ўқув юртлари хориждаги турдош илм муассасалари билан ҳамкорликни тобора ривожлантиряпти.

Фонтис президенти мамлакатимиздаги ана шу ўзгаришларни таъкидлар экан, Ўзбекистонни изчил равишда янги демократик жамият қурилиши йўлидан бошлаб бораётгани, ўз асарлари билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фанлар ривожига улкан ҳисса қўшаётгани учун Ислом Каримов шундай юксак унвонга сазовор бўлганини таъкидлади. Яна бир муҳим жиҳатни таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон Президенти Фонтис университетининг фахрий докторлик унвонини олган ягона давлат раҳбаридир.

Ислом Каримов бу унвон Ўзбекистон эришаётган ютуқларнинг яна бир эътирофи эканлигини қайд этар экан, айни пайтда таълим соҳасидаги улкан ислоҳотлар самараси, бу ислоҳотларни амалга ошираётган инсонларнинг меҳнати, мамлакатимизнинг ақлий салоҳияти, ўзбекистонликлар юртимизда яшаб ўтган буюк алломаларнинг илмий меросини асраб-авайлаб, ўрганиб, ривожлантираётгани халқаро миқёсда тан олинаётганини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, Президентимиз ўзига "Фахрий доктор" дипломининг тақдим этилишини янада яқинроқ ҳамкорликка таклиф, деб билишини ва Фонтис раҳбариятининг ташаббусларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи мамлакатлари, хусусан, Голландия мисолида кўриш мумкинки, ҳар қандай тараққиёт, қудратли иқтисодиёт асосида ақлий бойлик ётади. Таълим соҳасига ётқизилган сармоя вақти келиб ғоят катта самара беради. Ўзбекистонда бюджетнинг учдан бир қисми таълим соҳасига сарфланаётгани, имкон қадар кўпроқ ёшларимизнинг чет эллардаги нуфузли илм масканларига ўқишга жўнатилаётгани, мураббийларнинг тажриба алмашиш ва малака ошириш учун хорижга сафарлари уюштирилаётгани шундан. Президентимизнинг бевосита раҳнамолиги остида барча соҳалар каби, таълим, илм-фанни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ҳам ўз самарасини бериши шубҳасиз.

***Анвар БОБОЕВ,***
***ЎзА мухбири.***

*«Пахта-2000»*

***ВИЛОЯТ пахтазорларида йиғим-терим суръати кун сайин ошиб бормоқда. 25 сентябрь куни 10 минг тоннадан кўпроқ, яъни йиллик режага нисбатан 3,64 фоиз миқдорида ҳосил йиғиштириб олинди. Шу кунгача тайёрланган жами хом ашё 80563 тоннага етди. Бу йиллик режанинг 29,30 фоизига тенг.***

***Чиноз тумани пахтакорлари кечаги кунгача режага нисбатан 42,49 фоиз пахта тайёрлашга эришиб, вилоятда карвонбошилик қилмоқдалар. Бўкаликлар ҳам улардан қолишмаяптилар. Бу туманда ҳозир ўтган мавсумдагига нисбатан 35 фоиз кўп пахта тайёрлашга эришилди.***

***Пскент тумани кунлик суръат бўйича биринчи ўринга чиқиб, 25 сентябрда йиллик режанинг 5,05 фоизи миқдорида пахта топширди. Шу куни Бўка, Чиноз, Янгийўл, Ўртачирчиқ ва Бекобод туманлари ҳам кунлик суръатда 4 фоизлик маррага чиқиб олдилар.***

***Айрим туманларда машина теримига иложи борича зўр беришга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, 25 сентябрда Ўртачирчиқ, Бўка, Пскент ва Чиноз туманларида машиналар билан 1100-1600 тоннадан зиёд пахта терилди.***



## ЯНА ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

***ҲАР ЙИЛГИДЕК, бу мавсумда ҳам йиғим-теримда пешқадамлик қилаётган Чиноз туманидаги Амир Темур номли ширкат хўжалиги деҳқонлари давлатга пахта сотиш шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар. Ҳар гектар майдондан 28,7 центнер ўрнига биринчи теримдаёқ 29 центнердан ошириб юқори нав ҳосил йиғиштириб олинди.***

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА «эрта эккан эрта ўради» деган гап бежиз айтилмаган. Гарчи бу об-ҳавога ҳам боғлиқ бўлса-да, ҳарҳолда барвақт ва илдам ҳаракат қилган деҳқон ютқазмайди. Амир Темур номли ширкат хўжалиги деҳқонлари шунга одатланишган. Кейинги йилларда эришилаётган ютуқларнинг асосий омили шу.

— Режани барвақт бажаришимизнинг асосий сабаби шуки, биз бу йил ҳамма майдонларда ғўзани машина теримига мослаб парвариш қилдик, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Мирзааҳмад Раҳмонов. — Бу бежиз эмасди, албатта. Чунки, ўзимизнинг бешта пахта териш машинамиз бор. Бундан ташқари машина теримини бошқалардан олдинроқ бошласак, МТПдан керагича «Кейс» олишимиз мумкин бўларди. Биз ана шу режамизни охиригача пухта амалга ошириб, шу кунгача давлатга топширилган пахтанинг 75 фоизини машиналарда териб олишга эришдик.

Дарҳақиқат, бошидан пухта ўйлаб қилинган иш кутилган натижани берди. Далалардаги ҳосилнинг 80 фоизи пишиб етилгач, кунига хўжаликнинг бешта терим машинаси ҳамда тўртта «Кейс» юксак унум билан ишлатилди. Ҳашарчиларни теримга жалб этиб, ўқишдан ва ишдан қолдирилмади.

Тажрибали пахтакорлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳосил чўғи, айниқса, мўл ва сифатли бўлди. Чунончи, Абдурашид Арслонов, Абдужаббор Дўсимбетов, Хурсандбой Бўрибоев бошлиқ бригадаларда биринчи теримдаёқ гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил йиғиштириб олинди.

Шартнома режаси ортиғи билан бажарилган бўлса-да, терим сусайгани йўқ. Хўжалик пахтакорлари давлатга яна 250 тонна хом ашё сотиб, ҳосилдорликни 35 центнерданга етказишни мўлжалламоқдалар.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.***

*СУРАТДА: (чапдан) бригада бошлиғи Равшан Укибоев, «Кейс» оператори Пирмат Эшматов, бош ҳосилот Абдукарим Юсупов машина терими сифатини текширмоқдалар.*

***Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.***

*«Пахта-2000»*

## ФАЙЗУЛЛА АКАНИНГ КАТТА ХИРМОНИ

ОҚҚЎРҒОН туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг Файзулла Маъдиев бошлиқ бригадаси аъзолари давлатга пахта топшириш шартнома режасини туманда биринчи бўлиб олти иш кунида бажардилар. 56 гектар майдоннинг ҳар гектаридан биринчи теримдаёқ 28 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Бригада аҳли ҳосилдорликни камида 35 центнерга етказиш учун теримни қизғин давом эттирмоқда.

***Ўз мухбиримиз.***

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида

**26 сентябргача** бўлган

**МАЪЛУМОТ**

*(фоиз ҳисобида)*

*Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда терилган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён*

| | | |
|---|---|---|
| Чиноз | 4.11 | 42.49 |
| Бўка | 4.15 | 42.09 |
| Янгийўл | 4.01 | 38.94 |
| Пскент | 5.05 | 34.85 |
| Ўртачирчик | 4.01 | 32.13 |
| Оккўрғон | 3.35 | 25.45 |
| Бекобод | 4.00 | 22.33 |
| Юкоричирчик | 1.52 | 19.21 |
| Куйичирчик | 2.15 | 12.76 |
| Вилоят бўйича | 3.64 | 29.30 |

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг*

*ҚАРОРИ*

## Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида

***«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 12, 45-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловини ўтказувчи 6та округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА**

**160-Паркент округ сайлов комиссияси**

Комиссия раиси:

**Миракбаров Мирзаакбар** — Паркент тумани 8-мактаб директори

Раис ўринбосари:

**Икромов Мухсум Акрамович** — «Нуроний» жамғармаси Паркент туман бўлими раиси

Комиссия котиби:

**Тўқсонов Қутпиддин** — Паркент туман марказий маданият уйи директори

Комиссия аъзолари:

**Бекназаров Хайриддин Иброҳимович** — Паркент тумани солиқ инспекцияси кадрлар бўлими мутахассиси

**Миркаримова Маъсуда** — Паркент тумани 11-болалар боғчаси мудираси

**Нуров Ахат Махмудович** — Паркент тумани Автомат-телефон станцияси очиқ акционерлик жамияти муҳандиси

**Нуров Умар Бозорович** — Паркент тумани автомотоҳаваскорлар жамияти раиси

**Тўрабоев Маҳмудбой Аҳмедович** — Паркент тумани газлаштириш идораси бош муҳандиси

**Яров Исмон Усмонович** — Паркент тумани Давлат нотариал идораси нотариуси

**171-Чиноз округ сайлов комиссияси**

Комиссия раиси:

**Маҳкамов Мазбут** — Чиноз тумани 40-мактаб директри

Раис ўринбосари:

**Иброҳимова Фарида** — Чиноз тумани 2-мактаб директори

Комиссия котиби:

**Отажонов Абдураззоқ** — Чиноз тумани хусусийлаштириш, корхона ва ташкилотларни рўйхатга олиш бўлими бошлиғи

Комиссия аъзолари:

**Акромов Абдураҳмон** — Чиноз тумани хўжалик ҳисобидаги «Мингчинор» савдо корхонаси раҳбари

**Деревянко Елизавета Ивановна** — Чиноз тумани машина-трактор парки ҳисобчиси

**Кучиев Ҳакимжон Темирович** — Чиноз тумани юридик маслаҳатхонаси мудири

**Нуршатов Шарифбек** — Чиноз тумани улгуржи чакана савдо бирлашмасига қарашли хўжалик ҳисобидаги «Олмазор» автокорхонаси раҳбари

**Суннатов Хурматилла Иззатиллаевич** — Чиноз тумани «Гулзоробод» ширкат хўжалиги бригада бошлиғи

**Фозилов Мирвали** — Чиноз тумани «Фозил» хусусий чорвачилик хўжалиги раҳбари.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси**
**Н. КОМИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 23 сентябрь.

## ВИЛОЯТ ҳаёти

## БОЛАЛАРГА ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ

***Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ижодиёти намуналаридан республика кўргазмасини ташкил этиш яхши анъанага айланиб қолган.***

Болалар чизган расмларнинг бу сафарги ана шундай кўргазмаси эса Бўка туманидаги 15-меҳрибонлик уйида ташкил этилди.

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, унинг фан ва таълим маркази ана шу хайрли тадбирнинг ҳомийлари бўлишди. Янги ўқув йилига бағишлаб уюштирилган бу экспозиция доирасида байрам томошалари ўтказилиб, элчихона ва марказ томонидан болаларга совғалар улашилди. Меҳрибонлик уйига совутгичлар, кундалик рўзғор буюмлари тортиқ қилинди. 150 нафарга яқин ўғил-қиз пул мукофоти билан тақдирланди.

***Али АКБАРОВ.***

## КЎПРИК ИШГА ТУШДИ

***Тошкент-Ангрен йўналиши «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компаниясининг муҳим йўл ҳудудларидан бири ҳисобланади.***

Ана шу йўналиш Чирчиқ дарёси устига қурилган темир йўл кўпригидан ўтади. Аммо, дарёдан кўплаб қум-шағал олиниши ва тубининг табиий ювилиши туфайли кўприк бузилиши хавфи туғилди.

Шуни инобатга олган «Ўзбектрансқурилиш» давлат уюшмасининг «Гипротранс» ташкилоти замонавий кўприк лойиҳасини яратди. Эски кўприк билан ёнма-ён жойлашган 215 метрлик янги иншоот учун мазкур лойиҳа асос қилиб олинди.

Бу йўналишда поездлар қатнови йўлга қўйилди. Бунёдкорлик ишларини 7-кўприк қурилиш трестининг 13-кўприкчилар гуруҳи азаматлари амалга оширдилар. Чирчиқ дарёси устидан қурилган янги темир йўл кўпригини қуриб битказиш учун 570 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

***Акбар АЛИЕВ.***

## КРАХМАЛ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

«Саноатқалинқоғозсавдо» акциядорлик жамияти жамоаси бозор талабларини ҳисобга олиб ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулот турларини муттасил кўпайтириб бормоқда.

Яқинда Ангрендаги бу корхона шу йўлда яна бир одим ташлади. Махсус ташкил этилган янги цехда ўрнатилган асбоб-ускуналар ёрдамида крахмал тайёрлаш ўзлаштирилди.

Бу маҳсулотга мамлакатимиз ички бозорида талаб катта. Айни вақтда у корхона эҳтиёжи учун ҳам асқотади. Ундан целлюлоза ишлаб чиқаришида хомашё сифатида фойдаланилади.

***Ўз мухбиримиз.***

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг барча алоқа бўлимларида **2001 йил учун** бошқа нашрлар қатори **«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»**га ҳам **обуна** расмийлаштирилмоқда.

**АЗИЗ ДЎСТЛАР!**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!**

**Вилоятнинг исталган алоқа бўлимларида унга тўхтовсиз ёзилишингиз ва яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.**

## «ТАНОВОР»НИНГ САФАРИ

***Куни кеча Бўка туманидаги Ачамайли» ширкат хўжалигининг Сотволди Душабоев бошчилик қилаётган бригада дала шийпонида «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмасининг «Тановор» дастаси санъаткорлари ўз истеъдодларини намойиш этдилар.***

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зуҳра Сафарова бошчилигидаги Дилором Мирзаева, Раъно Жўраева каби раққосалар, Зиёдулла Маҳкамов, Одилжон Азимов сингари хушовоз хонандалар ўзларининг дилрабо рақслари, мумтоз ва замонавий қўшиқлари билан пахтакорларни хушнуд этишди.

Кеча ижодий гуруҳ иштирокчилари Пскент тумани пахтакорлари ҳузурига жўнаб кетдилар.

***Ўз мухбиримиз.***

# ТАДБИРКОРГА ҲАММА ЙЎЛЛАР ОЧИҚМИ?!

***Товар ишлаб чиқарувчилар ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи барча ишбилармонлар фаолияти ноўрин текширилишининг олдини олиш мақсадида Тошкент вилояти Адлия бошқармасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш» бўлимининг фаолият кўрсата бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.***

Бошқача қилиб айтганда, мазкур бўлим тадбиркорлар фаолияти ваколатли идора ва ташкилот ходимлари томонидан ўзбошимчалик билан текширилишига йўл қўймаслик вазифасини ўз зиммасига олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил, 17-февралдаги 57-сонли қарори 7-банди ижросини таъминлаш юзасидан тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бир қатор ижобий ишларни амалга оширди. Жумладан, бўлимнинг иш фаолиятида бугунги кунга қадар тадбиркорлардан 52та шикоят-аризалар тушган бўлиб, унинг 26таси тўлиқ қаноатлантирилди, 15тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. 3та шикоят ўз тааллуқлигига кўра бошқа идораларга ҳал қилиш учун юборилди. 8та ариза ҳозирги кунда бўлим ходимлари томонидан ўрганилмоқда.

Адлия бошқармаси томонидан 2000 йилнинг 1-сентябрь куни вилоятнинг шаҳар ва туман судларига тадбиркорлик ҳуқуқлари бузилиши натижасида уларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида 25та даъво аризаси киритилди. Ушбу даъво аризаларининг 22 таси судлар томонидан кўрилиб, 1.667.786 сўмлик даъво қаноатлантирилди. Шунингдек, киритилган 1.700.000 сўмлик 3та даъво аризаси ҳозирда судлар томонидан кўрилмоқда. Жумладан, Бўстонлиқ тумани, Қўшқўрғон қишлоғида яшовчи тадбиркор аёл Зиёда Артиқхўжаева 1998 йил декабрь ойида Бўстонлиқ тумани ҳокимининг 659-сонли қарорига асосан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга 108-сонли тадбиркорлик гувоҳномасини олиб, Қўшқўрғон қишлоғи 27-уйда жойлашган майда улгуржи дўконида қишлоқ аҳолисига савдо хизматини кўрсатиб келган.

1999 йилнинг 16 март куни Бўстонлиқ тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари А. Нишонов ва М. Давлетовлар унинг дўконида текшириш ўтказиб, савдо-сотиқни назорат кассa машинасисиз амалга ошираётганлиги ҳақида далолатнома тузишган ва 17 апрель куни ДСИ бошлиғининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 164-моддаси 1-қисми билан маъмурий 3960 сўм жаримага тортилган.

Солиқ органлари Артиқхўжаеванинг маъмурий жавобгарликка тортишда унинг савдо қоидаларини бузганликда, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 октябрдаги 486-сонли ҳамда 1994 йил 26 декабрдаги 621 сонли «Аҳоли билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат касса машинасини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида»-ги қарорни бажармаганликда маъмурий айбдор деб топганлар.

З. Артиқхўжаеванинг дўкони ўз уйида жойлашган бўлиб, киоск типидаги дўконча ва у кўча томонидан очилган туйнукчадан савдо-сотиқни олиб борувчи майда улгуржи савдо шахобчасидир.

Солиқ идоралари томонидан Зиёда Артиқхўжаева ноқонуний маъмурий жаримага тортилган.

Вилоят Адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил, 17 февралдаги 57-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддасига асосан З. Артиқхўжаева фойдасига етказилган моддий зарар 6960 сўм, шундан бой берилган фойда 3000 сўм, маъмурий жарима 3960 сўм ва унинг маънавий азоблари хусусиятидан келиб чиқиб 30.000 сўм маънавий зарарни туман ДСИ ходимлари Н. Мирзалиев ва А. Нишоновлардан ундириб берилиши сўралиб Бўстонлиқ туман судига даъво аризаси киритилди. Мазкур даъво аризаси Бўстонлиқ тумани суди томонидан жорий йилнинг 25 июль куни қайта кўрилиб адлия бошқармасининг даъвоси тўлиқ қаноатлантирилди.

## *Қарор ва ижро*

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ҳозирда бир қатор ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳаларида янгидан-янги изланишлар, янги техникалар талаб қилинмоқда. Ўз ўрнида Ватан равнақи учун жон куйдириб ишлаётган тадбиркорлар ҳам мазкур соҳаларда ўзларининг изланишлари билан, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда чет эл мамлакатларининг илғор технологияларини олиб келиш билан шуғулланмоқдалар.

Лекин айрим идора ходимлари томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига уларга тўсқинлик қилиш ҳолатлари рўй бермоқда. Масалан, Олмалиқ шаҳрида жойлашган «Садаф» кичик хусусий корхонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 75-сонли қарорига биноан импорт стоматология техникасини олиб келиш мақсадида Миллий банкнинг Олмалиқ шаҳридаги бўлимидан 10.000 АҚШ доллари қийматида микрокредит олган ва Словакия Республикасидан 010-сонли шартномага асосан замон талабидаги стоматология техникасини олиб келиб, Олмалиқ шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатмоқчи бўлган.

Ушбу мослама Республикага олиб келингач, Олмалиқ шаҳар божхона бўлими ходимлари томонидан бу мосламага қўшимча қиймат солиғи тўланиши лозимлиги билдирилган. Вилоят Адлия бошқармасининг аралашуви билан «Садаф» кичик хусусий корхонаси қўшимча қиймат солиғи ва давлат божидан озод этилди.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар ва қонунларда тадбиркорларга эркинликлар яратилиши, улар ҳар қандай ноқонуний текширишлардан ҳимоя қилиниши, агар ноқонуний текшириш ҳолатлари юз берса, фавқулодда ҳолат деб эълон қилинганлиги кўрсатилган бўлишига қарамай айрим назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорларни ноқонуний текшириш ҳоллари юз бермоқда. Жумладан, 2000 йилнинг 11 июль куни Бекобод тумани ДСЭНМ бош шифокори А. Абдуллаев «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида жойлашган «Дўстлик» савдо дўконининг санитария аҳволини текширган ва антисанитария ҳолатини аниқлаган.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари» Қонунининг 40-моддасига асосан текширувчи томонидан тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган «Дўстлик» фирмаси раҳбарига назорат қилувчи органни текширувчи мансабдор шахслар таркиби ҳамда текшириш ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруқ нусхаси, мансабдор шахсларнинг шахсий гувоҳномалари тақдим қилинмаган. Натижада туман санитария назорати бош шифокори А. Абдуллаев ва шу ташкилот ҳуқуқшуноси А. Тўйчиевлар томонидан қонун талаблари қўпол равишда бузилган.

Бундан ташқари тузилган далолатнома бўйича назорат қилувчи орган раҳбари А. Абдуллаев фирмага маъмурий жазо чоралари қўлланмаганлиги, унинг таъмагирлик ниятида савдо шохобчасини текширганидан далолат беради.

Текширишларни рўйхатга олиш китобида ҳам А. Абдуллаев томонидан тегишли белги охиригача қўйилмагани, бу китобда А. Тўйчиевнинг фамилияси ва унвони умуман кўрсатилмагани ҳам тушунарсиздир.

Фирма раҳбари Т. Бойбўтаевнинг аризасига кўра А. Абдуллаев ва А. Тўйчиевлар унинг дўконида ноқонуний текширув ўтказишгани ва санитария қоидаларига риоя этмаганлигини рўкач қилиб дўконни муҳрлаб қўйгани, икки кундан кейин дўкон очиб берилгани, бу ҳолат бўйича текширув ўтказиб, унга ва оиласига етказилган 25.000 сўм маънавий зарарни ундириб берилишини сўраган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 39-40-моддаларига асосан Т. Бойбўтаевнинг фойдасига Бекобод туман ДСЭНМ бош шифокори А. Абдуллаев ва ҳуқуқшунос А. Тўйчиевлардан 25.000 сўм маънавий зарарни ундириш ҳақида Бекобод тумани судига даъво аризаси киритилди. Адлия бошқармасининг ушбу даъвоси Бекобод тумани судида 7 август куни кўрилиб, тўлиқ қаноатлантирилди.

Ҳозирги кунда тадбиркорларга Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан кенг имкониятлар яратилиб берилишига қарамай, айрим назорат қилувчи органлар томонидан ҳанузгача юқоридаги сингари тўсқинлик ҳолатлари рўй бермоқда. Бизнинг бурчимиз эса уларни бартараф этиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишдан иборатдир. Бу борада қилинаётган ишларни янада жонлантирмоғимиз лозим.

***Эргаш ХОЛМАТОВ,***
***Тошкент вилояти ҳокимияти Адлия бошқармаси бошлиғи, 1-даражали адлия маслаҳатчиси.***



*ҚУЙИЧИРЧИҚ туманида ҳам бу йил машина теримига катта эътибор берилмоқда. Ҳозир туман машина трактор паркида барча агрегатлар далага чиқаришга тахт қилиб қўйилган.*

***СУРАТДА:** МТП бошқаруви раисининг биринчи муовини Пўлат Бойдебов, ишчи Марат Галиев ва бўлим бошлиғи Саъдулла Тоқсеитов иш устида.*

# «БУЮК ТУРОН»НИНГ ҚАДАМИ ДАДИЛ

***ҚИБРАЙ туманидаги «Буюк Турон» хусусий кичик корхонаси аввалига туман бўйича ўтказилган кўрик-танловда биринчи ўринни олиб вилоят босқичига чиқди ва бу ерда ҳам ўз салоҳиятини намойиш этиб, совринли учинчи ўринни қўлга киритди.***

Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз кичик корхона раҳбари Саттор Туроновга бир неча савол билан мурожаат этди.

**— Суҳбатимиз аввалида «Тошкент ҳақиқати» муштарийларини корхонангизнинг ишлаб чиқариш салоҳияти билан таништирсангиз.**

— Корхонамиз 1993 йили ташкил топган бўлиб, асосан ғишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Бунинг сабаби ўзингизга маълум: ўша пайтларда бутун мамлакат бўйлаб турли йўналишларда, хусусан шахсий уйлар қуриш ҳаракати кенг кўламда авж олиб кетди. Айниқса, қурилишнинг асосий ашёси бўлган ғиштга талаб жуда кучайди. Шуни ҳисобга олиб кичик корхонамизни ғишт тайёрлашга ихтисослаштирдик.

Лекин, табиийки, фақат ғишт ишлаб чиқариш билан чекланиб қолишимиз корхонамиз истиқболи учун кифоя эмас. Биз давр руҳи, ислоҳотлар талабидан келиб чиқиб, фаолиятимиз кўламини кенгайтириб боришга ҳаракат қилдик. Шу тариқа савдо ва маданий-маиший хизмат тармоқлари ҳам вужудга келди. Бугунги кунда ошхона, чойхона, иккита озиқ-овқат ва битта аралаш моллар дўкони, радио ва телевизор тузатиш ҳамда енгил автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш устахонаси ишлаб турибди.

Шу йилнинг бошидан эса яна бир янги соҳага қўл урдик. Ганчдан нафис идишлар тайёрлайдиган цех қуриб ишга туширдик. Ҳозир бу цехда ўз касбини пухта эгаллаган 8 нафар мутахассис меҳнат қилмоқда.

Дарвоқе, корхонамиз кенгайиб, янги-янги тармоқлар ишга туширилиши билан жамоамиз аъзолари сафи ҳам кенгайиб борди. Эндиликда кичик корхонамизда ишлаётганлар сони 200 нафардан ошди.

**— Кўрик-танлов ғолибларини аниқлашда асосан қайси кўрсаткичларга эътибор берилди?**

— Албатта, ҳар қандай кўрик-танловнинг ўзига яраша шарт ва талаблари бўлади. Энг асосий талаб катта ёки кичикми, ё хусусийми, бундан қатъий назар ҳар бир жамоа эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўз фаолиятини кенгайтириб, ишлаб чиқариш қувватини ошириб, тайёрлаётган маҳсулотлари турини кўпайтириб бориши керак. Юқорида айтганимиздек, биз доимо шунга интиламиз ва мақсадларимизга аста-секин эришаяпмиз ҳам.

Масалан, йил бошидан буён кўрган соф даромадимиз олти миллион сўмдан ошди. Биз учун энг муҳими шундаки,

## *Замона мулкдори*

ишчи-хизматчиларимиз яхшигина даромад кўришяпти. Бу шунчаки қуруқ гап эмаслигини кўрсатиш учун мисол келтирай. Ўз вазифаларини сидқидилдан бажараётган Ш. Хўжаёзов, Т. Туянов, С. Сувонов каби оддий ишчиларимиз ҳар ойда мунтазам 35-40 минг сўмдан маош олмоқдалар.

**— Иқтисодий ислоҳотлар жараёнида муаммолар чиқиб туриши табиий ҳол. Сизларда...**

— Бевосита ўзимизга боғлиқ бўлган муаммолар йўқ. Бизда меҳнат интизоми ўз-ўзидан қатъий. Ҳар ким ўз иш жойидаги вазифасини рисоладагидек бажармаса, бу умумий ишга яъни меҳнатнинг пировард натижасига акс таъсир кўрсатиб, даромаддан ютқазишимиз аниқлигини ҳамма яхши тушунади. Бошқача қилиб айтганда, интизом ишга вақтида келиб кетишдангина иборат эмаслигини жамоамизнинг ҳар бир аъзоси аллақачон англаб етган. Улар ҳар дақиқадан унумли фойдаланишга, корхонамиз равнақи учун шахсан ҳисса қўшишга ҳаракат қиладилар.

Шунга қарамай, бизга алоқаси бўлмаган муаммоларга ҳам дуч келиб турамиз. Чунончи, ғишт ишлаб чиқаришимиз учун ажратиб берилган хом ашё базамиз тугаб қолди. Натижада маҳсулот тайёрлаш 10-12 фоиз камайди. Бироз эътиборсизлик қилинса, бу ҳол хунук оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Бунинг олдини олиш учун биз туман ҳокимлигига мурожаат қилдик. У ерда бизнинг ташвишларимизни тўғри тушунишди ва ёрдам қўлини чўзишди. Ҳозир муаммо ижобий ҳал этиляпти.

**— Ҳар қандай ишлаб чиқариш — у хоҳ йирик давлат корхонаси бўлсин, хоҳ хусусий кичик корхона бўлсин, одатда ўз жамоасидан ташқари эл-юрт равнақига хизмат қилади. «Буюк Турон» ҳам ўзидан орттириб, халқ фаровонлигига ҳисса қўшаяптими?**

— Тўғри айтдингиз, бусиз мумкин эмас. Айниқса, ҳозирги ўтиш даврида. Биз ҳам имкон қадар ҳаракат қилаяпмиз. Жумладан, яқинда футбол майдони, теннис корти ва бошқа қулайликларга эга бўлган спорт мажмуини қуриб битказдик. 34-боллар боғчасини тўла таъмирдан чиқардик. Фарзандлари 4-мактабда таълим олаётган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатдик. Ёш авлод тарбиясини ўйлаб, ўтганлар хотирасини вақти-вақти билан ёдга олиш мақсадида «Хотира майдони»ни барпо этдик.

Бундан ташқари туманимизнинг Ўзбекистон чемпионати биринчи табақасида ўйнаётган «Роҳат» футбол жамоасига ҳомий сифатида ҳар йили 500-600 минг сўм пул ўтказиб турибмиз. Мустақиллик ва Наврўз байрамлари тантаналарини уюштиришда ҳам ҳайр-эҳсонни аямаяпмиз.

**— Кўриниб турибдики, кичик корхонангизнинг бугунги фаолияти чакки эмас. Лекин, суҳбатимиз бошида айтганингиздек, истиқболни ўйлаб, корхонани янада кенгайтириш, янги тармоқларни очиш ҳаракатлари давом эттириладими?**

— Изланишлар давом этаяпти. Чунончи, Юртбошимизнинг ташаббуси билан кичик ва ўрта бизнес, жўнроқ қилиб айтадиган бўлсак, тадбиркорликни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиб берилаётганидан руҳланиб, чорвачиликни ҳам йўлга қўйишга астойдил киришганмиз. Банкдан имтиёзли кредит олиб 120 бош қорамолга мўлжалланган чоғроқ ферма қуриб битказдик. Кейинги йиллардан чорва маҳслуотлари етиштиришни йўлга қўймоқчимиз. У ёғини вақт кўрсатади. Балки шу муносабат билан қайта ишлаш корхоналари қуриш эҳтиёжи туғилар. Лекин ҳозирча бу ҳақда гапиришга эрта.

***Суҳбатдош Жавлон ҲАСАНОВ.***

# МЎЛЖАЛ 3250 МИНГ ТОННА

***Кўмирни саноат «нони» деб бежиз айтишмайди. У халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларида ишлатилади. Жуда фойдали хомашё ҳисобланади. Унинг асосий заҳиралари эса Оҳангарон воҳасида жойлашган.***

Бу ердан очиқ усулда «қора олтин» қазиб чиқарадиган замонавий йирик корхона ҳамда ёпиқ усулда ишлайдиган кон бор. Аниқ ҳисобларга қараганда, бу конларга республикамизда қазиб олинаётган кўмирнинг 98 фоизи тўғри келади. Демак, мамлакатнинг бу муҳим хомашёга нисбатан эҳтиёжини қондириш Ангрендаги шу кўмир конлари жамоалари зиммасидадир.

Кончилар бу вазифанинг ниҳоятда масъулиятли эканлигини чуқур ҳис қилиб ишламоқдалар. Уларнинг маҳсулотларини республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, юзлаб саноат корхоналарида сабрсизлик билан кутадилар. Мижозларни ранжитмаслик учун буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Ўз сафига 3300 нафардан ортиқ кўмирчиларни бирлаштирган икки кон жамоаси ёқилғи қазиб чиқаришни туну кун тўхтовсиз давом эттирмоқда. Шу туфайли ҳам ҳар куни бу ердан эшелон-эшелон ёқилғи турли манзилларга томон йўл олмоқда.

Айниқса, кўмир разрези кончилари самарали ишлашяпти. Улар ўзларининг касб байрамларини ҳамда республикамиз мустақиллигининг 9 йиллик тарихий санасини муносиб кутиб олдилар. Кўмир қазиб чиқариш топшириғи тўла бажарилди. Мижозларга 1 миллион 297 минг тонна ёқилғи жўнатилди. 7 ойлик топшириқ 109,6 фоиз қилиб бажарилди, қўшимча кўрилган даромад деярли 40 миллион сўмга етди. 9-кон жамоаси ҳам барча имкониятларни ишга солиб, меҳнат қилмоқда. Унда шу вақт давомида 146 минг тонна кўмирни ер қаъридан қазиб олинди. Пулга чаққанда тайёрланган маҳсулот ҳажми 439 миллион сўмликни ташкил этди.

Кончилар орасида касбини пухта эгаллаган, самарали меҳнати билан унинг шон-шуҳратини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган, ёш касбдошларига ўзининг илғор иш тажрибасини қунт билан ўргатиб, мураббийлик ҳаракатида фаол қатнашаётган ажойиб ишчи-хизматчилар жуда кўп. Айниқса, касбдошлари ўртасида катта обрў орттирган Файзулло Холов, Владимир Голиков, Бахтиёр Абдуллаев каби 9-кон кўмирчиларини, Шахобиддин Норқўзиев, Муҳиддин Усмонов, Абдаким Бобонов, Қурбонали Ўрдаев сингари очиқ кон ишчи-механизаторлари номини ҳурмат билан тилга олгим келади. Улар ўзларининг унумли ва сифатли меҳнатлари билан, ишга сидқидилдан муносабатда бўлишлари билан, жамоа ютуқларига муносиб ҳисса қўшаётганликлари билан барча кончиларнинг фахрига айланганлар.

Ҳавза кўмирчилари эндиликда хўжалик йилини муваффақиятли якунлаш, халқ хўжалигига 3 миллион 250 минг тонна ёқилғи етказиб бериш юзасидан белгиланган марраларни шараф билан уддалаш учун шу кунларда янада кўтаринки руҳ билан ишламоқдалар. Бу албатта навбатдаги меҳнат ютуқлари гарови бўлиб хизмат қилади.

***Гулбаҳор САТТОРОВА.***





# «ПАЛЛАДА ВОСТОК» МАҲСУЛОТЛАРИ

*Бу корхона тамғаси босилган маҳсулотлар истеъмол бозорида тобора кўпроқ кириб бормоқда. Олмалиқдаги рўзғор кимёси заводи негизида барпо этилган корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати жадал ўсмоқда. Шу кунларда буюртмачиларга 13 хилдан ортиқ маиший хизмат моллари, жумладан тўрт хил шампун, қатор кир ювиш воситалари, тиш пасталари етказиб берилмоқда. Яқиндан бошлаб эса, атир ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.*

*Ҳозир ҳар ойда ўртача 100 миллион сўмлик маҳсулот савдо шахобчаларига етказиб бериляпти. Йил бошидан бери тайёрлангани эса 800 миллион сўмликдан ошиб кетди.*

*Ишлаб чиқаришнинг тинимсиз кенгайиши янги ишчи ўринларини барпо этиш имконини бермоқда. Ҳозир корхонада 360 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаяпти. Улар мўмайгина маош ҳам олмоқдалар. Иш ҳажмининг ўртача миқдори 28-30 минг сўмни ташкил этяпти.*

*Корхона маҳсулотларига хорижда ҳам талаб ортиб бораяпти. Айниқса, Россияда талабгорлар кўпаймоқда. Шунинг учун ҳам жорий йилнинг биринчи ярмида бу қўшни мамлакатга 75 минг АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот экспорт қилинди.*

*СУРАТЛАРДА: идишлар қолипловчиси Ольга Прохорова; корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларидан намуналар.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

# 50ТАГА ЕТДИ

Чирчиқдаги «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмасида аҳолининг рўзғори эҳтиёжлари учун зарур бўлган буюмлар тайёрлашни кўпайтиришга ҳам эътибор берилмоқда. Шу мақсадда уларнинг янги-янги турлари ўзлаштирилмоқда. Бунинг учун бўшаб қолган ишлаб чиқариш майдонларида янги бўлимлар, цехлар барпо этиляпти. Шундай тадбирлар туфайли, ҳозирги кунда жамоа савдо шоҳобчаларига 50 хилга яқин маҳсулотларни етказиб бермоқда. Улар орасида тикувчилик, дурадгорлик буюмлари, кимёвий ва бошқа маҳсулотлар бор.

Мўъжизакорлар кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш топшириқларини мунтазам тўла ва ошириб бажармоқдалар. Жорий йилнинг ўтган ойларида бу кўрсаткич режадагидан икки фоиз ортиқ бўлди. Олдинги йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 20 фоизга яқинни ташкил этди.

***Собир ҲАМИДОВ.***

## *Экология муаммолари*

# БЕҒУБОР ҲАВОДАН НАФАС ОЛАЙЛИК

*Ички ишлар вазирлигининг Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича муҳим ишларни амалга оширмоқда. Бу борада кенг кўламли ва узоқ муддатли фаолият дастури ишлаб чиқилган.*

Хусусан, Ўзбекистон чегарасига кириш жойларида «Экотранснзорат» пунктлари қурилмоқда. Улар автотранспорт воситаларининг ҳавони ифлослантириш даражасини текшириш учун зарур асбоблар ва ушбу камчиликларни дарҳол бартараф этиш имконини берувчи ускуналар билан жиҳозланади. Пунктлар ёнида автомобиль ювиш жойлари, ёнилғи қуйиш станциялари, кемпинг ва чойхоналар жойлаштирилади.

Яқин кунларда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида яна бир пункт ишга туширилади. Маълумки, Чорвоқ сув омбори ва Чимён атрофидаги сўлим масканлар ҳукумат қарорига кўра, курорт ҳудуди, деб эълон қилинган. Бу ҳудудда мамлакатимиздаги энг кўп соғломлаштириш масканлари жойлаштирилади.

Келгуси беш йилда жами 36та экология пунктлари қуриб ишга туширилади.

Жорий йилда республиканинг барча ҳудудларида ўтказилган «Тоза ҳаво» операцияси катта натижа берди. Унда стационар пунктлар ва «Диагностика» кўчма лабораториялари иштирок этди.

– Ҳозирги пайтгача 1 миллион 100 минг автомобиль экология текширувидан ўтказилди. Бу мамлакатимиздаги жами автомобилларнинг учдан икки қисмидан кўпроғини ташкил этади, – дейди ИИВ Давлат автомобиль инспекцияси Бош бошқармаси автотранспортдаги экологик муаммолар маркази бошлиғи, милиция подполковниги Шуҳрат Ғуломов. – Менимча, бу ёмон кўрсаткич эмас. Чунки ўтган йилнинг шу давригача 700 мингдан кўпроқ автомашина текширилган эди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда атроф муҳит муҳофазаси муаммолари, бошқа ривожланган давлатлар каби давлат даражасида ҳал этилмоқда.

***Рустам ШАГАЕВ,***
***ЎзА мухбири.***

# ЎҚУВ ХЎЖАЛИГИ ДАЛАЛАРИДАГИ ТАЖРИБА

*Тошкент Давлат Аграр университетининг Қуйичирчиқ туманидаги ўқув хўжалиги далаларида пахтани машинада териб олишга киришилди.*

Минг гектарлик пахта майдонидан 2660 тонна «оқ олтин» йиғиб олиш мўлжалланмоқда. Бу катта рақам эмас, албатта: бир пайтлар ўқув хўжалиги республикадаги бошқа хўжаликлар каби давлатга бундан бир неча марта кўп пахта топширар эди.

Собиқ совет тузуми даврида «Мамлакатга пахта керак!» деган шиор бўларди. Чунки пахта стратегик хом ашё ҳисобланиб, ундан чит, портловчи моддалар, ўсимлик ёғи, дори-дармон ва яна ўнлаб қимматли маҳсулот олинар эди.

Қолган нарсалар иккинчи даражали ҳисобланиб, ер ва инсонлар саломатлиги авайланмас эди. Юз минглаб гектар далалар ишдан чиқар, кеч кузгача кексалар ва болалар пахтазорга чиқарилар, юз минглаб аёллар касалланиб, она бўлиш бахтидан маҳрум бўлар эди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таҳлилий маълумотларига кўра, республика заҳарли химикатлардан фойдаланиш асоратларидан ҳалигача ўзига келгани йўқ.

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ Президент Ислом Каримов мамлакатнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, унинг экологиясини муҳофаза қилишга қаратилган сиёсатни амалга ошириб келмоқда. Бу сиёсатнинг амалий натижалари ҳозирданоқ кўзга ташланмоқда.

Мисол қидириб узоққа бориб ўтирмайлик. Барча уй бекалари билишадики, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган пахта ёғининг сифати ошди. Зийракроқ одам Тошкентнинг истироҳат боғлари ва яшил хиёбонларида қушлар кўпайиб қолганлигини, шаҳарлар ҳавоси мусаффолашганини айтиши мумкин.

Бу республикамиз шу жиҳатдан энг тараққий этган мамлакатлар билан тенг қадам ташлаётганлигининг тасдиғидир.

Бу йил жуда қурғоқчил келди. Пахта эса буғдойга ўхшаб, ёмғир суви билан кифояланмайди, уни камида етти марта суғориш зарур.

Шунга қарамасдан, ўқув хўжалиги далаларида меҳнатсеварлик, тажриба ва сувдан оқилона фойдаланиш натижасида яхши ҳосил етиштирилди. Шуни қайд этиш зарурки, бу йилги об-ҳаво инжиқликларига қарамасдан, республиканинг кўпгина хўжаликлари яхши натижага эришди.

Нон ҳамма замонларда барча халқларнинг энг азиз неъмати ҳисобланган. Бироқ таққослаш учун шуни айтмоқчиманки, бир центнер пахта етиштириш учун шунча ғалла олишга нисбатан ўттиз икки марта кўп меҳнат сарфланади.

Яна бир муҳим нарса. Бу йилги мавсумда Тошкент Давлат Аграр университетининг далаларидаги пахта касалликлар ва зараркунандалардан биологик усулда ҳимоя қилинди, бунинг учун бир грамм ҳам кимёвий дори ишлатилмади.

Ишончим комилки, бундай узоқни кўзловчи тажриба бутун мамлакатга кенг ёйилади.

***Рустам ШАГАЕВ,***
***ЎзА мухбири.***

*Қутлов*

# МЕҲНАТ: ҲАМ ҲУРМАТ, ҲАМ ИЗЗАТ

КАСБнинг катта-кичиги, яхши-ёмони бўлмайди. Абдукарим – оддий меҳнаткаш. Эсини танибдики, далада. Дала кишиси табиатан шундайки, у фақат кундалик ишини билади, экини атрофида куймаланади, ҳосилнинг чўғини, хирмоннинг баракасини ўйлайди. Ана шу жўн, хайрли ташвишлар билан бўлиб, ўзини унутади. Яъни шахсий манфаат, обрў-иззат, шон-шуҳрат деган гаплар хаёлига ҳам келмайди. Рўзғори юришиб, қора қозони қайнаб, болачақанинг усти-боши бут бўлса бас. Қолгани аста-секин бўлаверади.

Ҳалол меҳнат кишисининг ҳаёт фалсафаси шундай. Бу тоифа кишиларнинг меҳнати вақти келиб рўёбга чиқиши яъни «Меҳнат қилган – элда азиз» бўлиши аниқ. Зеро, «Аллоҳ берганга беради» деб бежиз айтилмаган. Ўзини ўйламай, бутун куч-қувватини, қалб қўрини, хуллас бор имкониятларини ерга, экинга, демакки, эл-юртнинг тўкин-сочинлигига бахшида этган инсонларни обрў-иззатнинг ўзи излаб топади. Ана шунай ҳалол, ҳар жиҳатдан муносиб бахт, роҳат ниҳоят, Абдукаримга ҳам насиб этди. Юртбошимизнинг Ўзбекистон мустақиллигининг тўққиз йиллиги байрами муносабати билан эълон қилинган Фармонига мувофиқ Бўка туманидаги Ғаффор Азаматов номли ширкат хўжалиги механизатори Абдукарим Адҳамовга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» унвони берилди. Бу оддий механизаторнинг ўттиз йиллик машаққатли меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

Бироқ Абдукаримнинг ўзи бошқача фикрда.

– Гарчи унвон менинг номимга бўлса-да, унда кўпчиликнинг хизмати бор, – дейди А. Адҳамов. – Аввало, устозим Комил ака Каримовдан миннатдорман. У киши ҳозир пенсиядалар. Кўп йиллик меҳнатлари роҳатини кўриб, қарилик гаштини сурмоқдалар. Шогирдларим Ортиқ Қодиров, Тўхтабой Раҳимов менинг қувончимни тенг баҳам кўришга ҳаклидирлар. Зеро, бири моҳир механизатор, иккинчиси илғор бригада бошлиғи сифатида жамоамиз ютуғига салмоқли ҳисса қўшиб келишяпти...

Абдукарим ўғли Лутфулла Адҳамов ҳақида гапирмади. Ҳолбуки, у ҳам шогирди, хўжаликнинг илғор механизаторларидан. Отасининг ёнида баб-баравар меҳнат қилаяпти.

Ҳадемай, хўжаликнинг шолисига ўроқ тушади. Абдукарим яна комбайнини ишга солади. 57 гектар майдондаги «Авангард» нав шоли бу йил, айниқса, сердон бўлиб етилмоқда. Камида 35 центнердан ҳосил тўкади. Тўққиз йилдан бери комбайнчилик қилаётган Абдукарим учун 200 тонна шолини ўриб-янчиб олиш унчалик оғир иш эмас. Тажрибаси, маҳорати етарли. Қишлоқ хўжалигида ўттиз йилдан бери хизмат кўрсатиб келаётган Абдукаримдан хўжалик раҳбарларининг ҳам кўнгиллари тўқ.

***Самад ЙЎЛДОШ.***
***Даврон АҲМАД (сурат).***



*СУРАТДА: Абдукарим Адҳамов (ўнгда) хўжалик бош ҳосилоти Камол Бекназаров билан шоли ҳосилини кўздан кечиришмоқда.*

*Мутахассис огоҳлантиради*

# КУЙДИРГИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

***Албатта, ҳар биримиз бу ўта хавфли касаллик ҳақида эшитганмиз. Дарвоқе, бу юқумли касаллик одамлар ҳаёти учун ҳам ниҳоятда хавфли ҳисобланади.***

Касалликни куйдирги таёқчаси қўзғатади. У ташқи муҳитда спора ҳолида учрайди. Сувда, тупроқда ҳамда бошқа жисмларда ўн йилгача яшаш қобилиятига эгадир. Қулай шароитда унинг таёқчалари кўпайиб бораверади. Бу касалликнинг манбаи асосан қорамол, от, қўй, эчки, туя сингари уй ҳайвонлари ҳисобланади.

Ҳайвонларда куйдирги таёқчаси касал молнинг организмидан сийдиги, ахлати орқали ажралиб, тупроқ, ем-хашак, тагига солинган тўшамалар, яйлов, сув ҳавзаси ва ҳоказоларни ифлослантиради. Шунингдек, куйдирги микроблари ҳайвоннинг жуни, териси, мўйнасида ҳам учрайди. Ҳаводан, чангдан ўтади ва тарқалади. Касаллик тери, меъда, ичак ва нафас йўллари, ҳаво орқали, шунингдек, ҳайвонга қўнган қон сўрувчи ҳашаротлар орқали ҳам юқади. Ветеринария ходимлари рухсатисиз сўйилган ҳайвонлар терисини шилганда, гўштини нимталаганда, истеъмол қилинганда ҳам бу касалликка чалиниш ҳеч гап эмас. Демак, куйдирги касбга алоқадор касалликлар сирасига киради. Булардан чиқадиган хулоса шуки, касалликдан ниҳоятда эҳтиёт бўлиш шарт! Гўштни яхши пиширмай, сутни обдон қайнатмай истеъмол қилинса касаллик одамларга ҳам юқиши турган гап!

Бунинг олдини олишнинг асосий тадбирларидан бири беморни парвариш қилишда ёки куйдиргига чалинганлиги шубҳа қилинган ҳайвонга қараганда, ёҳуд бу ҳайвонлар хом ашёсини қайта ишлаш жараёнида махсус коржома кийиш ва ишлаб бўлгандан сўнг уни дезинфекция қилишдир.

Чорва боқиш билан шуғулланадиганлар, қассоблар, хом ашёни қайта ишлайдиганлар вақти-вақти билан эпидемиологик кўрсатма асосида куйдиргига қарши махсус эмланадилар.

Бундан ташқари куйдиргига учраган беморга яқин бўлган одамлар ҳам алоҳида назоратга олинади. Улар диққат билан кузатиб борилади ва профилактика мақсадида куйдиргига қарши гаммоглобулин билан эмланади. Куйдирги юқиш эҳтимоли бўлган касбдаги кишилар ўртасида тарғибот ишларини кенг кўламда олиб бориш ниҳоятда муҳимдир.

Чорва моллари ўртасида куйдиргининг олдини олиш учун эса гўшт комбинатларида, тери ва хом ашё қайта ишланадиган заводларнинг базалари ва омборхоналарида санитария тадбирларини бекаму кўст ўтказиш талаб этилади. Ўлган моллар кўмиладиган жойлар вақти-вақти билан дезинфекция қилиб турилиши шарт. Албатта, куйдирги билан касалланган ёки шубҳа қилинган ҳайвонлар аниқланиб, бошқа ҳайвонлардан ажратилади ва синчиклаб текширилади. Молларни зооветеринария ходими рухсатисиз сўйиш қатъиян тақиқланади.

Куйдирги билан касалланган ҳайвонлар ветеринария ходими назоратида, ифлосланган хом ашё ва бошқа нарсалар, ем-хашак, ҳатто гўнги ҳам, албатта, куйдириб ташланиши керак. Куйдиргидан ўлган ҳайвон ётган жойида куйдирилади. Кейин у ерга 20 фоизли хлорли охак сепилади. Кейин бу ер тозаланиб, хлорли оҳак эритмаси ҳамда қуруқ оҳак сепилади.

Фуқаролар шуни унутмасликлари кераккки, агар уйда боқилаётган ҳайвон ўлиб қолса, ёки сўйилса зудлик билан ветеринария ходимини чақириш лозим. Хавотир олманг, мутахассис ўлиб қолган ёки сўйилган ҳайвонда куйдирги касаллигининг белгисини топса, у берган маълумотнома асосида сизга давлатимизнинг қонун-қоидаси асосида ҳайвоннинг харид нархи тўланади.

***Малика ХОДИХЎЖАЕВА,***
***вилоят саломатлик маркази услубчи шифокори.***

*Қишлоқ ва ислоҳот*

# КАМЧИЛИКЛАР ЮТУҚЛАР СОЯСИДА ҚОЛМАСИН

***БОЗОР муносабатларига ўтиш жараёнида кўпгина хўжалик ва туманларда ҳаётий муҳим тармоқ, яъни чорвачилик узрли ва узрсиз сабабларга кўра инқирозга юз тутди. Аммо Тошкент тумани чорвадорлари бухронларнинг эпкинига бўш келмадилар. Тўғри, чорвачиликда айтарлик силжишга эришмадилар, бироқ, чекинишга ҳам йўл қўйилмади. Туман хўжаликларида айни кунларда 4655 бош қорамол, 1751 бош сигир, деҳқон-фермер хўжаликларида эса 783 бош қорамол, 202 бош сигир боқилмоқда. Айтиш мумкинки, анча салмоқли, сифатли маҳсулот олинмоқда. Лекин таҳлиллар бу туманда ҳам ҳали чорвачиликнинг истиқболини таъминлаш учун бир қатор муаммоларни ҳал қилиш, камчиликларни тугатиш зарурлигини кўрсатмоқда. Мухбиримизнинг туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раисининг чорвачилик ишлари бўйича ўринбосари Маҳамадсодиқ Аҳмедов билан мулоқоти шу мавзуда бўлди.***

**– Айримлар туман чорвачилигида эришилаётган озми-кўпми ютуқларни наслчиликка ихтисослашганлиги учун йирик-йирик хўжаликлар фермаси хусусийлашмаганлиги билан боғламоқдалар...**

– Аслини олганда ҳам шундай. Мана, Муҳаммаджон Фозилов номли хўжалик фермасини олайлик. Узоқ йиллардан буён ҳамиша илғор, байроқдор бўлиб келган бу хўжалик фермасини яхши биласиз. Ана шу ферма хўжалик раҳбарларининг саъй-ҳаракати, айниқса, мутахассисларнинг жонкуярлиги, тадбиркорлиги туфайли бозор иқтисоди қийинчиликларини босқичма-босқич енгиб келмоқда. Аввалги натижаларни қўятурайлик, шу йилнинг ўтган етти ойи давомида хўжаликда мавжуд сигирларнинг ҳар биридан қарийб 2 минг литрдан сут соғиб олинди. Чорвадорлар йил охиригача бу кўрсаткични кам деганда 3800 литрга етказамиз, деб ишонч билан айтмоқдалар.

Сўнгги йилларда «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги янги раҳбариятининг астойдил меҳнати, кўрилган амалий чора ва тадбирлар натижасида аввалги шуҳратини тиклаб олди, десак янглишмаймиз. Муҳими, бу хўжаликда чорва бош сони кескин кўпайди. 400 бошга яқин сигирларнинг ҳар биридан етти ойда 1800 литрдан сут соғиб олинди.

Ҳар икки хўжалик ҳам яратиб берилган шарт-шароит, имкониятлардан оқилона фойдаланмоқда, чорвачилик катта даромад манбаига айланган.

**– Бироқ, ҳамма хўжаликларда ҳам аҳвол бирдек яхши эмас. Бир вақтлар чорвачиликда ўзига хос тажриба мактаби яратган Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалиги фермаси аравани баравар тортмаётганлигига нима дейсиз?**

– Тушундим. Туман кўрсаткичлари яна ҳам яхши бўларди, демоқчисизда. Лекин бошқаларни билмадим-у, бу менинг шахсий фикрим, уларни ҳам тушунса бўлади. Хўжаликда мол бош сони деярли камаймагани ҳолда айрим сабабларга кўра чорва учун ем-хашак етиштиришга ажратиладиган ерлар кескин камайиб кетди. Ҳатто, фармонда кўзда тутилган 0,34 гектардан ҳам анча кам. Бу, табиийки, хўжаликда мавжуд моллар учун етиштириладиган озуқанинг миқдори ва сифатига, қолаверса, маҳсулдорликка салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Буни зудлик билан кўриб чиқиш керак. Лекин барибир, бу асосий баҳона бўла олмайди. Хўжалик раҳбарларининг ташкилотчилиги, жонкуярлиги, чорвачиликка чинакам меҳр ва иштиёқ ҳал қилувчи омил эканлиги ҳаммага аён.

**– Суҳбатимиз бошида «хусусийлашмай қолган» деган гапни айтган эдик. Сиз ҳам «чорвачилик фермаларини бошда хусусийлаштириш керак эмас эди» деб айтилаётган гапларда жон бор, деб айта оласизми?**

– Ўзингиздан қолар гап йўқ. Мен қилинган ишлар, эришилган натижаларни айтай, хулоса чиқариб олаверасиз. Туманимизда дастлаб бешта хўжалик фермаси хусусийлаштирилиб, иккитаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Эгасини топган фермаларда ҳақиқатан ҳам ишлар яхши бўлди. Бунга мисол қилиб Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалигидаги Жўра ака Маҳаматов бошлиқ «Роҳатой» хусусий фермасини олайлик. Агар, янглишмасам, бу ҳақда «Тошкент ҳақиқати»да ёзган эдинглар...

**– Яхши эсга солдингиз. Ўша «Жўра фермер» сарлавҳали мақола ёзилган пайтда Жўра ака 2000 йилга бориб чорва бош сонини кескин кўпайтириш, маҳсулдорликни оширишга сўз берган эди.**

– Ўз сўзларини уддасидан, зиёдаси билан чиқдилар. Жўра ака фермани 1996 йил январида қабул қилиб олганларида 380 бош қорамол бор эди. Ҳозир уларнинг сони салкам 500тага етди. Фермадаги наслдор сигирлардан олинган урғочи бузоқларни алоҳида парваришлаш ҳисобига подадаги соғин сигирлар салмоғи ҳам анча ортди, зоти яхшиланди. Жўра фермер ўтган етти ой давомида ҳар бир сигирдан 1885 литрдан сут соғиб олди.

«Ҳасанбой» номли жамоа хўжалиги фермаси негизида ташкил этилган «Усмон ота» хусусий фермасида ҳам ишлар анча яхши бормоқда. Лекин «Тошкент» ширкат хўжалигидаги «Ғолиба» хусусий фермаси амалда ғолиб бўлиши учун чорвадорлар ҳали кўп меҳнат қилиши, кўп тер тўкишлари керак бўлади. Навоий номли жамоа хўжалигидаги «Абдусаттор», Собир Раҳимов номли хўжаликдаги «Маъмуров» чорвачилик ҳиссадорлик фермалари умумишига қўшаётган ҳиссаларининг салмоқли, арзирли бўлиши учун изланишни тинмай давом эттиришлари талаб этилади.

**– Эгасини топмаган ва охир оқибатда чорвачилик ночор аҳволга тушиб қолгандан сўнг хўжаликка қайтариб олинган фермаларда ҳозирги кунда жонланиш борми?**

– Яхши биласиз, чорвачилик шундай соҳаки, бир издан чиққандан кейин уни эски ҳолига қайтариб олиш учун кўп вақт талаб қилинади. Анча мушкул жараён бу. Лекин дадил айтиш мумкинки, қайтариб олингач, хўжалик раҳбарлари ишни бутунлай янгича ташкил этиб, аста-секинлик билан бўлса ҳам аҳволни ўнглашга эришмоқдалар. Айниқса, Абдураҳмонов номли ширкат хўжалигида қисқа вақт ичида катта ишлар амалга оширилди. Чорва бош сони кўпайди, маҳсулдорлиги ортмоқда. Чорвадорларнинг ишга бўлган муносабати бутунлай ўзгарди.

**– Лекин, ҳали туман чорвачилигидаги ишларни кескин яхшилаш учун кўп иш қилиш keракка ўхшайди. Бу борада Президентимизнинг фармонлари амалда ишлаши керак! Улар қишлоқ хўжалиги ходимлари билан учрашганларида «қани, айтинглар, қишлоқ хўжалиги, хусусан, чорвачиликни, деҳқон-фермерчилик ҳаракатини ривожлантиришга нималар тўсиқ бўляпти, қандай муаммоларни ҳал қилиш керак? Эҳтимол айрим фармонларга ўзгартишлар киритиш керакдир. Таклифларингизни асослаб беринглар, биз ҳаммасига тайёрмиз» деган мазмундаги фикрларни билдирадилар.**

– Бу ҳақда бизлар ҳам кўп ўйлаяпмиз. Изланаяпмиз, режалар тузяпмиз. Туман ҳокимлиги бу энг долзарб масала эканлигини таъкидлаб, бизни қўллаб-қувватлаб, руҳлантирмоқда. Шахсан ҳокимнинг таклифи билан яқинда биз чорвачилик фермаларидаги аҳволни синчиклаб ўргана бошладик. Кимларнинг иши яхши-ю, кимлар оқсаяпти? Нега? Бор ҳақиқатни ўрганиб бўлгач, фермаларнинг раҳбарлари, деҳқон-фермерлар иштирокида йиғилиш ўтказамиз, очиқчасига гаплашиб оламиз. Ишни эплайолмаётганлар бўлса ўз ўрнини эплайдиганларга бўшатиб беришга мажбурдирлар. Қисқаси ҳамма саъй-ҳаракат, меҳнат, кўриладиган чора 2001 йилда чорвачиликда туб ўзгаришга эришишга қаратилади. Режамиз шундайки, қорамоллар бош сони камида 5 минг бошга, сигирлар 1800-2000 бошга етказилади. Маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун озуқа базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни давом эттирамиз. Наслчилик ишлари эътибордан тушмайди. Қишловга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўришни ҳам унутмаяпмиз.

***Суҳбатдош Носир РИХСИЕВ.***


# ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

**Ўзбекистон Республикасининг «Нотариал тўғрисида»ги қонунига мувофиқ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ**

*қуйида қайд этилган туман, шаҳарларда ўрни бўш қолган давлат нотариал идораларида ва таъсис этилган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимларини эгаллаш истагини билдирган, олий юридик маълумотга ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган фуқароларни танловда қатнашиш учун*

**ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

*1. ДАВЛАТ НОТАРИАЛ ИДОРАЛАРИДА НОТАРИУСЛИК ЛАВОЗИМЛАРИ УЧУН:*

ЧИРЧИҚ шаҳрида — 3 ўрин;
ЯНГИЙЎЛ шаҳрида — 1 ўрин;
АНГРЕН шаҳрида — 1 ўрин;
ЯНГИЙЎЛ туманида — 1 ўрин;
БЕКОБОД туманида — 1 ўрин.

*2. ХУСУСИЙ АМАЛИЁТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ НОТАРИУСЛИК ЛАВОЗИМЛАРИ УЧУН:*

ЎРТАЧИРЧИҚ туманида — 1 ўрин.

*Аризаларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун.*


# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**мамлакатлар • одамлар • воқеалар**

# Reuter

*Хориж ахборот агентликлари*

Унинг Тошкентдаги мухбирлик пункти 1992 йили иш бошлаган. Агентлик фақат ривожланган молиявий бозор ва барқарор иқтисодиёт ҳукм сураётган давлатлардагина фаолият олиб боради. 70-йилларнинг бошларигача «Рейтер» агентлиги ОАВ учун фақат ҳодисалар юзасидан ахборотлар тақдим қилиб келар эди. Сўнг унинг фаолиятида янги жабҳа — жаҳон молия бозоридаги янгиликларни ҳам ёритиб бориш даври бошланди. Шундай қилиб, Reuter Monitor компьютер тармоқлари орқали валюта бозоридаги янгиликлардан тезкорлик билан хабар топишдан манфаатдорлар учун қулайликлар юзага келди. 1981 йилдан эътиборан агентлик валюта бозори амалиётида ўзгаришларга сабаб бўлган фаолияти яна бир юқори поғонага — Рейтер тармоғида электрон транзакция олиб бориш имконига эришди. Бу маълумотларнинг барчаси, албатта, сиёсий ва иқтисодий янгиликлар қаторида етказиб бериб турилди. Ҳозирги вақтда Рейтернинг асосий мижозлари — банклар, биржалар, ишбилармон обуначилардан иборат.

Унинг янгиликлари ихтисослашгани билан бошқалардан бирмунча ажралиб туради. Маълумотнинг манбаи — матбуот конференцияси, мусоҳаба, расмий ҳужжат экани албатта кўрсатилиши лозим. Рейтер агентлиги томонидан ҳар бир мамлакатда мухбирларнинг миллий хизматлари ташкил қилинади. Улар рус тилидаги ахборотларини Москвадаги бюрога жўнатадилар ва у ерда таржимонлар гуруҳи томонидан турли хориж тилларига ўгирилади. Агар ахборот жаҳон халқаро хизмати эътиборини тортиш қобилиятида бўлмаса, улар журналистларнинг ўзлари томонидан таржима қилинади.

### КЕЙИНРОҚ ЎТАДИ

Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо давлатларнинг навбатдаги саммити 2002 йил март ойида Бангладеш пойтахти Даккада бўлиб ўтади. Илгарироқ саммитни 2001 йил сентябрда ўтказиш мўлжалланган эди. Бироқ Бангладеш ҳукумати бундай йирик халқаро тадбирга тайёр эмаслигини маълум қилиб, уни кейинроққа кўчиришни таклиф этди.

### ҲАРБИЙЛАР МУЛОҚОТИ

Шимолий Корея ҳарбийлари делегацияси илк бор Жанубий Кореяга ташриф буюрди. Душанба куни шимоллик беш нафар ҳарбий Чежудо оролида Жанубий Корея мудофа вазири Чхо Сон Тэ раҳбарлигидаги делегация билан музокара ўтказди. Учрашувда кўрилган масалалар ҳозирча сир тутилмоқда.

### УЗОҚ ТАНАФФУСДАН СЎНГ



Сурия Франция самолёти ўн йиллик танаффусдан сўнг илк бор Бағдодга парвоз қилганини маъқуллади. Дамашқ радиосидан эълон қилинган баёнотда айтилишича, мазкур воқеа Ироққа нисбатан қўлланилаётган халқаро жазонинг бекор қилиниши йўлидаги муҳим қадамдир.

### ТРУМЭН НОМИ БЕРИЛДИ

АҚШ давлат департаменти биносига мамлакатнинг собиқ президенти Гарри Трумэн номи берилди. Шу муносабат билан бу ерда тантанали маросим бўлиб ўтди.

Г. Трумэн АҚШнинг ўттиз учинчи президенти эди. У 1945-53 йилларда мамлакатда кўплаб қурилишларни амалга оширган. БМТ ва НАТО каби халқаро ташкилотлар ҳам у ишлаган даврда ташкил этилган. АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг фикрича, мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятини юксалтиришда Г. Трумэннинг хизмати катта бўлган.

### ЧЕКЛОВЛАР ВА БАЁНОТ

Перу ҳукумати мамлакат парламентига Миллий разведка хизмати фаолиятини тўхтатиш ва президентнинг хавфсизлик масаласи бўйича ёрдамчиси Владимиро Монтесиносни лавозимидан четлатиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тақдим этди. Шунингдек, мамлакат раҳбари Алберто Фухимори янгидан сайлов ўтказиш ва унда ўзи иштирок этмаслиги ҳақида баёнот беришга мажбур бўлди. Чунки, кучайиб кетган коррупция мамлакатдаги фуқаролар ва кўплаб жамоат ташкилотларининг бош кўтариб чиқишига сабаб бўлди.

Янги қонун лойиҳасида бош вазир Федерико Салас бошчилигида махсус комиссия тузиш кўзда тутилган. Ушбу комиссия 15 кун ичида Миллий разведка хизматининг янги таркибини тузиши керак.

### ОДАМ ЎҒРИЛАРИ



Колумбия полицияси исёнчи «Миллий озодлик армиясига» (МОА) қарши навбатдаги операцияни амалга оширди. Кали шаҳрида 13 нафар исёнчи ҳибсга олинди. Полициячиларнинг айтишича, улар асосан пул ундириш мақсадида одам ўғирлаш билан шуғулланган. Ўтган ҳафта ичида Кали шаҳри яқинида йўқолган 60 киши ҳам МОА жангарилари томонидан ўғирланганини маълум бўлди.

### ШАРТЛАРИ ҚАТЪИЙ

Фаластин маъмурияти Исроилнинг Қуддус мақомини белгилаш масаласини кейинга қолдириб, оралиқ тинчлик битими имзолаш ҳақидаги таклифини рад этди. Фаластин парламенти раиси Аҳмад Курийнинг таъкидлашича, ё барча масалалар, жумладан, Қуддуснинг мақоми ҳам бирданига ҳал этилади ё ҳеч қандай ҳужжат имзоланмайди.

### ВАКОЛАТ МУДДАТИ ҚИСҚАРДИ

Францияда президент ваколати муддатини етти йилдан беш йилга қисқартириш масаласи бўйича референдум бўлиб ўтди. Овоз бериш натижаларига кўра, аксарият французлар президент ваколати муддатини беш йилга қисқартиришни ёқлаб чиққан. Ушбу ташаббус Франциянинг собиқ президенти Валери Жискар д'Эстен томонидан илгари сурилган эди.

### ЎЗГА БАЙРОҚ ОСТИДА

Қувайтга қарашли сувликларда Ироқдан яширинча нефт олиб кетаётган танкер ушланди. Қувайт ташқи сиёсат маҳкамасидан маълум қилинишича, Малайзия байроғи остида сузиб кетаётган танкерда 1500 тонна нефть бўлган. Кеманинг 13 кишилик экипажи ҳибсга олинди.

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

